Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

2010-yil 27-noyabr № 140 (2865) shanba

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Мохият

Спорт туфайли соғлом авлодлар вужудга келади ва мамлакат шуҳрати жумлаи жаҳонга таралади.

Ислом КАРИМОВ

Юрт шарафини улуғлаганлар

XVI Осиё ўйинлари: ғалвир сувдан кўтарилганда

Ватан сиз билан фахрланади

Гуанчжоуда ташкил этилган XVI Осиё ўйинлари Ўзбекистон спорти учун навбатдаги залворли қадам бўлди.

Энг муҳими, қўлга киритилган медалларнинг нақ 20 таси (4 та олтин, 6 кумуш, 10 бронза) касаба уюшма спортчиларига тегишли бўлиб, буни умумжамоа ютуғига қўшилган муносиб улуш деб баҳолаш мумкин.

Одатда, бирор нарсадан ҳаддан ортиқ ҳайратланилса, соддагина қилиб «зўр — барибир, зўр-да» дея эътироф этилади. Икки карра жаҳон чемпиони, «Жаҳоннинг энг яхши каноэчиси» Вадим Менков Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ҳам ўзига хос усулда навбатдаги олтин медални қўлга киритганда, сув спорти мухлислари яна ўша сўзларни такрорлашди: «зўр — барибир, зўр-да!»

Энг қувончлиси ва юракларга фахр-ифтихор туйғуларини лимма-лим тўлдирган жиҳат шундаки, касаба уюшма спортчилари орасида Вадимга ўхшаган, таъбир жоиз бўлса, осмондаги ойни олиб беришга қодир азамат йигитлар ва чапдаст қизлар анчагина. Айниқса, байдарка ва каноэда эшкак эшишда. Ҳатто, ушбу спорт турини касаба уюшмаси ўзиники қилиб олди, десак, муболаға бўлмас.

Ўзингиз таҳлил қилиб кўринг. Осиё ўйинларида нафақат В.Менков, унинг жамоадошлари Герасим Кочнев ва Серик Мирбеков жуфтлиги, Алексей Мочалов, Сергей Борзов, Алексей Бобожонов, Вячеслав Гори тўртлиги ҳам шоҳсупа чўққисини банд этиб, Ўзбекистон мадҳияси остида мустақил юртимиз байроғининг Хитой осмонида ҳилпирашини таъминлашди.

Байдаркада эшкак эшиш мусобақасида Ксения Прилепская, Юлия Борзова, Екатерина Шубина ва Екатерина Пеиришинадан иборат тўртлик ҳам маҳорат ва матонат намунасини намойиш этиб, кумуш медалга сазовор бўлди.

Академик эшкак эшиш усталаримиз ҳам мусобақаларда муносиб қатнашишди. Руслан Наурзалиев ва Вячеслав Дидрих иккилиги кумуш, С.Тян, Е.Кузнецов, В.Дидрих ва Д.Наурзалиев тўртлиги бронза медал соҳибига айланишди. Яккалик баҳсларда иштирок этган Зарина Михайлова ҳамда Артём Кудряшов учинчи поғонадан жой олдилар.

Оғир атлетика баҳсларида қатнашган Мансур Чашемов 85 кг. тоифада қитъада иккинчи бўлди. Кумуш медали билан тақдирланганлар сафида енгил атлетикачимиз Гўзал Хуббиева (у бронза медалини ҳам қўлга киритди), дзю-до бўйича 66 кг. вазнда Мирзоҳид Фармонов, 73 кг. вазнда ва учинчи ўрин соҳиби Наврўз Жўрақобилов ҳам борки, бу имкониятларимиз ҳар қачонгидан юқорилигидан далолат беради.

Бугина эмас. Слолом эшкак эшишда Алексей Зубарев ва Алексей Наумкин муваффақиятли иштироки билан терма жамоамизга муҳим очколарни тақдим этишди. Спорт гимнастикаси маликаси Луиза Галиулина жамоадошлари ютуғини бронза медали билан янада мустаҳкамлаб қўйди.

Худди шундай натижа найза улоқтиришда ҳам қайд этилди. Ринат Тарзуманов учинчи ўринни эгаллади.

— Кўз тегмасин, Қурултойдан қурултойгача бўлган сўнгги беш йил мобайнида спортчиларимиз халқаро турнирлар, чемпионат ва биринчиликларда ҳар жиҳатдан ўзларини кўрсатишмоқда, — дейди Республика касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши ташкилий ишлар ва кадрлар бўлими мудири Жаҳонгир Худойқулов. — Бу, авваламбор, Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан спортга катта эътибор берилаётганининг натижасидир. Давлат аҳамиятига молик бу сиёсатни касаба уюшма ташкилотлари ҳар жиҳатдан изчил қўллаб-қувватлаётганлари ҳам самара бераётир. Буни биз Гуанчжоуда яна бир карра тасдиқдан ўтказиб олганимиздан хурсандмиз.

Гўё якун ясасак ҳам бўладиган бир паллада умид қилганимиз, ишониб кутганимиз — қувончли воқеа юз берди. Яна бир касаба уюшма спортчиси Светлана Радзивил баландликка сакрашда барча рақибларидан юқори натижа кўрсатиб, яна бир олтин медални тақдим этди. Баракалла, Света!

Атрофлича таҳлилни кейинга қолдириб, муҳим бир сўзни айтишни лозим топдик. Буларнинг ҳаммаси истиқлол шарофатидандир. Яратганга шукрки, мустақиллик туфайлигина шундай фахр-ифтихор туйғуларидан баҳраманд бўлишга муяссар бўлдик.

Умид қиламизки, 2012 йилда Лондонда бўлиб ўтадиган Олимпиадада бундан-да юксакроқ натижалар қўлга киритилади. Ҳар ҳолда, Осиё ўйинлари ўзимизга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлади.

(Давоми 4-бетда)

«Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни холисона баҳолаш, қўлга киритган юксак марраларимизни таҳлил этиш мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам оғишмай қатъият билан боришимиз зарурлигини яққол кўрсатмоқда».

Ислом КАРИМОВ

Қонунга итоаткор эл енгилмасдир

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида гапирилган эди

Сенатор, юридик фанлари доктори Мавжуда Ражабова билан суҳбат

— Мамлакатимизда жамиятни демократлаштиришнинг янги босқичи бошланди. Мазкур босқич бежизга «фуқаролик жамиятини ривожлантириш» деб аталмаяпти. Ҳуқуқий асослар етарли ва бундай жамият шаклланиб бормоқда...

— Таъкидлаганингиздек, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёни янги босқичга кўтарилди. Буни Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида алоҳида таъкидлади. Концепциянинг «Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш» деб аталган 6-йўналишида бу ҳақда батафсил баён қилинган. Эътибор қилинг, юртимизда жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини қамраб олган 5100 дан ортиқ нодавлат-нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир. Яна бир жиҳати, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органи ҳисобланмиш маҳаллалар сони 10 000 дан ошиб кетди. Бошқача айтганда, Ўзбекистон ҳудудида аҳоли у ёки бу фуқаролар йиғини таркибида яшаяпти.

Фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат тармоғи фаолиятини тартибга соладиган 10 дан зиёд қонун қабул қилинган бўлиб, бундан ташқари, 200 дан ортиқ қонун ҳужжатида мазкур соҳага оид меъёрларни топиш мумкин. Хуллас, ўтган давр фуқаролик жамиятини шакллантириш босқичи бўлди. Нодавлат-нотижорат ташкилотлари эркин фаолият юритишлари учун қонуний асос яратилди. Тўғрироғи, уларнинг фаолияти кафолатланди. Улар жамиятни ҳаракатлантирувчи куч сифатида аҳолининг у ёки бу манфаатларини ифода этади. Бу институт ишга тушиб кетди, ўзини оқлади. Дарахтга қиёс қилсак, у куртак чиқариб бўлди.

Эндиги вазифа соҳадаги ислоҳотларни танқидий баҳолаб, тажрибаларимиз асосида фаолиятни янада ривожлантиришдан иборат. Президент Концепциясида қайд этилганидек, демак ҳозирги босқичда «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида», «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш кун тартибига чиқмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Ishonch
2010-yil 27-noyabr № 140 (2865)

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида гапирилган эди

Қонунга итоаткор эл енгилмасдир

Сенатор, юридик фанлари доктори Мавжуда Ражабова билан суҳбат

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Бундан 20 йил бурун собиқ иттифоқ даврида аввал қонунчилик асослари яратиларди, сўнг ҳар бир иттифоқдош республика ўзига бироз мослаб «қонун ясарди». Мустақилликнинг илк даврида вужудга келган қонунлар ҳам бошқа тилдан ўгирилгандек таассурот қолдирарди... Бугунги кунда миллий қонун ижодкорлиги масаласи қандай ҳал этилмоқда?

— Биз улуғ байрам арафасида турибмиз. Ҳадемай, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигини нишонлаймиз. Бахтимиз китобида айтилганидек, Ўзбекистон — суверен демократик республика. Буни биз қонун ижодкорлигида ҳам кўрамиз. Тараққиёт йўлимизнинг ўз модели бўлгани каби қонунларни ҳам ўз қолипимизда яратамиз. Дастлаб, давлат тили нуқтаи назаридан ёндашамиз, сўнг мамлакатимизда яшайдиган 130 дан ортиқ миллат ва элат тушунсин учун бошқа тилларга ҳам таржима қиламиз.

Қонун яратишда менталитетимизни ҳисобга оламиз, ўз тажрибамиздан ҳам, жаҳон амалиётидан ҳам кенг фойдаланамиз. Биз азал-азалдан кенг тафаккурли миллатмиз, бу давлат сиёсатида ҳам сезилиб туради.

— Маълумки, мамлакатимизда ўтказилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг, яъни «ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт йўлининг беш тамойилидан бири қонун устуворлигини таъминлашдир. Олий Мажлисни қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий давлат вакиллари органи деб биламиз. Айнан Сенатнинг бу борадаги фаолияти ҳақида тўхталсангиз.

— Олий Мажлис Сенати қонун устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор беради. У шунчаки қонунни маъқуллаш ёки рад этиш билан шуғулланмайди, ҳар бир норма устида давомли мулоҳаза юритилади, қабул қилингандан кейин ҳам ижроси қандай кетаётганлиги мониторинг қилинади.

Ҳуқуқий давлат тушунчасининг моҳиятида ҳам қонунга суяниб иш кўриш деган ғоя ётади. Макон ва замонда барча адолатли ишлар қонун билан бажарилади. Чунки жамиятни ҳаракатлантирувчи мазкур олий юридик куч умуммажбурий хусусиятга эгадир. Киши нафақат воқеликни қонун орқали баҳолайди, балки мақсадга қонун орқали эришади.

Мамлакатимизда Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

— Юртбошимизнинг маърузасида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун олтита йўналиш бўйича қандай қонунлар қабул қилиш, қандай қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш баён қилинган. Сенатор, ҳуқуқшунос олим сифатида айтиб берсангиз: бу қонунларнинг яратилиш қандай кечади, яъни халқ иродасини қай даражада ифодалай олади ва улар жамият ҳаётига қандай таъсир кўрсатади?

— Конституция ва қонунлар халқ эрки ва иродасини ифодалайди. Бошқача айтсак, қонунда халқ манфаати мужассам бўлса, уни жамият қабул қилади. Қонун ижодкорлиги ўз-ўзидан бўлмайди. У мақсадли хатти-ҳаракат натижаси. Маълумки, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Президенти, давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суд, Бош прокурор эгадирлар. Бу ҳуқуқ қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади. Мазкур субъектлар жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб ишчи гуруҳи тузади. Бунда айнан ўша қатлам вакиллари иштирок этади. Қонун лойиҳасини тайёрловчи субъектлар ундаги нормалар, меъёрлар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши, аниқ таклифлар билдириши керак. Лойиҳа тайёрлаш жараёни ойлаб давом этиши мумкин. Шу жараён ўтгандан кейин қуйи палатага берилади. Профессионал ишлайдиган 150 халқ вакили ўз округидаги халқ фикрини ўрганади. Партия ўз электорати билан маслаҳатлашади. Қўмита ва фракцияларда муҳокама қилинади. Сўнг қонун қуйи палата ялпи мажлисида 3 марта муҳокама қилиниб, мукаммал ҳолатга келтирилиб, овозга қўйилиб қабул қилинади. Қонун қабул қилингандан сўнг Сенатга юборилади. Сенатнинг тегишли қўмитаси уни ишчи гуруҳида кенг жамоатчилик вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирокида ўрганиб, «элак»дан ўтказиб, сенаторларнинг ялпи мажлиси муҳокамасига тақдим этади. Қонун сифат жиҳатдан юқори бўлиши керак. Битта вергул учун қанча тортишамиз. Бу осон эмас. Хуллас, қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Президент томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингач, юридик кучга эга бўлади.

— Ҳокимиятнинг бўлиниш принципидан мақсад «ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш»дир. Газетхонларимизга ушбу тамойилни кенгроқ тушунтириб берсангиз.

— Конституциямизнинг 11-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади», дейилган. Бир ҳокимият иккинчисининг фаолиятига аралашмайди. Аммо умумий манфаат бор. Учаласи бир-бирига боғлиқ, узилиб қолган эмас. Бири иккинчисини қандайдир маънода кузатиб туриши, назорат қилиш вазифасини ўташи мумкин. Масалан, Президентнинг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини, Олий судини, Олий хўжалик судини сайлаш Сенатнинг мутлақ ваколатига киради. Ёки концепция бўйича партиялар томонидан таклиф этилган, Президент тақдим этган Бош вазир лавозимига номзод тегишлича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда, тасдиқланган ҳисобланади. Бу мисолларда биз қонун чиқарувчи органнинг суд ва ижро ҳокимиятини ташкил этишда иштирокини кўраяпмиз.

Конституциямизга киритилаётган қўшимча ва ўзгартишлардан кўриниб турибдики, демократик жараёнлар жамиятимизда ўз ўрнини топмоқда. Сиёсий партияларнинг роли, ҳукуматнинг обрўйи ошаяпти. Ҳокимиятнинг мавқеи ошиши, пировардида, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этаётган куч сифатида ўзини намоён қилишига олиб келади. Ҳукумат ва бошқарув органлари бундан кейин жамият тараққиётида янада фаолроқ иштирок этадилар, халққа яқин бўладилар, фаровонлик ошишига эътиборни кучайтирадилар. Концепцияда таъкидланганидек, айни вақтда шуни унутмаслигимиз керакки, мазкур ислоҳотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига ва ўз-ўзидан аёнки, биринчи навбатда сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир.

— Давлатимиз раҳбари қонунчилик ташаббуси сифатида илгари сурган концепцияда «давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш фурсати етди», дейилади. Бу «фурсат» нималарда акс этади?

— Жамият назорати... Бу мустақилликнинг илк давридан бизга маълум тушунча. Масалан, «Фуқароларнинг ўзиниўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида фуқаролар йиғини қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади, дейилган. Бундай нормалар бошқа қонунларда ҳам бор. Улар ҳаётда ўз ўрнини чуқурроқ эгаллаб бормоқда. Лекин биз изланишдан тўхтамаймиз. Жамоат назорати ҳақида мудом фикр юритамиз, баҳс-мунозараларга киришамиз, бу борада жаҳон амалиётини ўрганамиз. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳақиқатан ҳам давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий тизимини яратиш лозим.

Бу эса «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги янги қонунни қабул қилишни тақозо этади. Мазкур ташаббус ўз вақтида ва асосли равишда билдирилаяпти, деб ҳисоблайман. Жамоат кузатуви — зарурий жараён. Бу билан фуқароларнинг жамиятдаги ролини оширамиз. Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари бир-бирини яқинроқ тушунади, ҳамкорликни кучайтиради. Бунга эҳтиёж сезилаяптими, демак, амалга ошириш зарур. Ишонаманки, яқин фурсатда аниқ қоидаларни ишлаб чиқамиз, назоратнинг ҳуқуқий механизимини яратамиз.

— Концепцияда «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»ги Қонун қабул қилиш тўғрисида ҳам гап боради. Меҳнат Кодексида Бош келишув тўғрисидаги 48-модда мавжуд. Қабул қилинажак қонун билан ушбу модда ўртасида боғлиқлик борми? Демоқчиманки, Ўзбекистон касаба уюшмаларида ҳудудий ва тармоқ келишувлари, жойлардаги давлат бошқаруви органлари билан келишувлар қабул қилиш амалиёти мавжуд. Кенгроқ миқёсда иш берувчилар бирлашмалари билан тузилган келишувлар барча касаба уюшма аъзоларини қамраб ололмайди. Баъзи хорижий давлатларда ҳукумат билан уларнинг касаба уюшмалари ўртасида Бош келишув амал қилади. Ижтимоий шерикчилик ҳақидаги қонун барча даражадаги келишувларга асос бўла оладими?

— Бўлиши мумкин. Ижтимоий шерикчилик ўзи нима учун керак? Ташаббус ва таклифларни рўёбга чиқариш, фуқаролик жамияти фаолиятини кучайтириш, ишни очиқ ва ошкора амалга ошириш, унинг самарасини кўриш, натижасига баҳо бериш учун керак. Яна айтаман, нодавлат ташкилотлар билан давлат органлари бир-бирини тушунмоғи даркор. Шунинг учун «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»ги Қонунда мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегаралари белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш лозим. Ҳамкорлик қайси усулда ва қандай тарзда амалга ошуви бўлажак қонунда аниқ-равшан ўз ифодасини топади. Бу қонуннинг қабул қилиниши ҳуқуқ нормаларини янада бойитишимизга олиб келади. Мазкур ҳужжат мазмун-моҳияти билан жамиятни эркинлаштиради. Модернизацияни тезлаштиради, жамият ўртасида яхлитлик ва бирликни қарор топтиради, бир-бирини тушунмасликка барҳам беради. Масаланинг мақбулроқ, халқ манфаати, умумманфаатга хизмат қиладиган ечимини топишга имкон беради. Айтайлик, битта уй ё йўл қуриш масаласи эмас, умуман қишлоқни ободонлаштириш масаласи қўйилади. Бир-бирини тушуниш, позиция, нуқтаи назар бир хил бўлади. Жамиятда тоза, соғлом муҳит яратишга, бир сўз билан эмас, яримта сўз билан бир-бирини англаб олишга, янги-янги уфқлар сари интилишга ёрдам беради.

— Позициялардаги уйғунлик, бир-бирини тушунган ҳолда ислоҳотларни ривожлантиришга ҳисса қўшиш ҳақида фикр юритдингиз. Бизнингча, бу кўпроқ ҳуқуқий маданият билан боғлиқдек...

— Дарҳақиқат, амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг муваффақияти одамларнинг ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Юртбошимиз бир гапни жуда ўринли таъкидладилар: «Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир. Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди, деб ўйлайман».

Офтобдек равшан бўлган бу ҳақиқатга бошқа қўшимча қилиб бўлмайди.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

«Ishonch» мухбири
Довуд МАДИЕВ
суҳбатлашди

Таҳлил

Эътибор ва эътироф

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ва Республика темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши аъзоларининг биргаликдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда компания тасарруфидаги корхоналарда 2009-2010 йил мобайнида меҳнат қонунчилиги талабларига амал қилишнинг аҳволи тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Бу борада маъруза қилган Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Қ.Собиров меҳнат қонунчилигига амал қилиш борасидаги ишлар хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Тармоқ Марказий кенгаши томонидан ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, бандлик, иш шароитлари ва иш ҳақи ўзгарган ҳолатларда иш берувчилар томонидан қонунда белгиланган талабларга қай тариқа риоя этилиши мунтазам равишда ўрганиб борилмоқда. Мисол учун, бу борада 2009-2010 йилларда Ховос темир йўл узели, Қуюв механика заводи, «Кўприккурилиш» трести, «Эйвалекмахсустемирбетон» ва «Ўзвагонтаъмир» ОАЖлар, «Темирйўлёнилғитаъмин» ҳамда Ҳарбий-лаштирилган қўриқлаш бошқармалари, Темирйўлчилар Марказий маданият саройи, махсус механизациялашган йўл станцияси, шунингдек, «Тошкент метрополитени»да Меҳнат кодекси талабларининг бажарилиши текшириб чиқилди.

Йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилинишига, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашга ва муҳокама этилиб, зарур чораларни белгилашга алоҳида эътибор қаратилди. Айрим корхоналарда кадрлар қўнимсизлигининг ошиб кетиши эса ибратли ҳол эмас.

Йиғилишда, шунингдек, айрим корхоналарда Меҳнат кодекси талабларига зид равишда баъзи ходимларга бир неча йил давомида меҳнат таътили берилмагани, бошқа йилга кўчирилгани буйруқ билан расмийлаштирилмагани, ходимларни меҳнат таътилидан чақириб олиш тўғрисидаги буйруқлар уларга таништирилмагани, меҳнат интизомини бузиш, иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликнинг келиб чиқиши каби салбий ҳолатлар ҳам асосли танқид қилиб ўтилди.

Таъкидланган камчиликлар юзасидан Марказий кенгаш тегишли чоралар белгилади.

Адҳам ДАМИНОВ.
А.МАМАДАМИНОВ олган сурат

Ўқув-семинар

Ёнилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси вакилликлари ҳамкорликда ташкил қилган ўқув-семинар фаолларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Билимга таянган фаоллик

— Давр барчамиздан фаолликни талаб қилмоқда, — таъкидлади Марказий кенгашнинг Хоразм вилоятидаги вакили Светлана Худойберганова ўқув-семинарини очар экан. — Фаоллик эса билимга таянади.

Ўқув-семинарнинг «Инсонга наф келтириш — олий бахт» шиори остида ўтказилганлиги бежиз эмас. Буни «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун мазмун-моҳияти юзасидан маъруза қилган касаба уюшмаси Марказий кенгашининг юридик бўлим мудири Х.Зайнутдинов, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш ҳақида сўз юритган Хоразм вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси мутахассиси Р.Жабборов ва бошқа маърузачилар ҳам таъкидлаб ўтишди.

— Ўқув-семинар тажриба алмашишимиз учун ниҳоятда қўл келди, — дея биз билан таассуротларини ўртоқлашди Марказий кенгашнинг Қорақалпоғистон Республикаси вакили С.Бекимбетов. — Мазкур тадбир бошланғич ташкилотларимиз фаолиятини янада яхшилаш, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилишдек эзгу ишларимизни жонлантиришимизда самара бериши аниқ.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Фестивал

«Ўзбекистон, сени куйлайман!»

Пойтахтимиздаги «Авиасозлар» маданият ва техника саройида «Ўзбекистон, сени куйлайман!» санъат фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда 10 та тармоқдан 70 нафарга яқин ҳаваскор иштирок этди. 2008 йилги фестивалда 7 та тармоқ касаба уюшма ташкилоти бадиий ҳаваскорлик жамоалари қатнашганини эътиборга олсак, унинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётганига амин бўламиз.

Мазкур фестивал ёшлар қалбида ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Муассасамизда «Марварид» фолклор дастаси фаолият юритади, — дейди Сергели тиббиёт коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси Сайёра Алиева. — Жамоамиз ўзбек халқ термаларини санъат ихлосмандлари ҳукмига ҳавола этди. Ўқувчиларимизнинг лапар, пайров каби халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналари ҳамда рақсларни маҳорат билан ижро этишига алоҳида эътибор қаратдик.

Кўпчилик овоз билан Имконияти чекланган шахслар учун республика касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Ғ.Назаров мақом, «Лабзак» меҳмонхонаси бош муҳандиси Х.Мурсалиев якка чолғу ва ансамбл ижрочилиги, Мирзо Улуғбек туманидаги 466-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси М.Яхшибоева ҳамда Яккасарой электр тармоғи корхонаси ходими М.Панина эстрада қўшиқчилиги, «Ўзсувлойиҳа» МЧЖдан М.Зоҳидова якка рақс ижрочилиги, «Тошкент трактор заводи» ОАЖ маданият саройининг «Гулдаста» жамоаси оммавий рақс ижрочилиги, «Оникс» ОАЖ ходими Ғ.Ҳожиев анъанавий ижрочилик йўналишлари бўйича республика босқичига йўлланма олишди.

Ғолиб ва фаол иштирокчилар Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, бадиий ҳаваскорлик жамоаларига Самарқанднинг тарихий обидалари билан танишиш имкони яратилди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

* * *

Шунингдек, Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида халқ таълими ходимларининг «Баркамол авлод йили»га бағишланган «Ўзбекистон, сени куйлайман!» санъат фестивали бўлиб ўтди.

200 нафарга яқин ҳаваскор ижрочилар орасидан ғолибларни аниқлаш ҳакамлар ҳайъатига осон бўлгани йўқ. Соз сеҳри, созанда маҳорати, ширали овозлар, гўзал рақслар, мақом йўналишида куйланган мумтоз асарлар, муқаддас Ватан мадҳи кўнгилларга қувонч улашди.

Мақом йўналиши бўйича шаҳрисабзлик Нозигул Жўраева, анъанавий ижрочиликнинг қўшиқ йўналишида касбилик Қобил Ширинов, катта ашула йўналишида чироқчилик Элмурод Йўлдошев ва Ойбек Рўзиев, эстрада қўшиқчилиги йўналишида Ғузор тумани вакили Маъруф Хўжаев, якка ва ансамбл чолғу ижрочилиги йўналиши бўйича ғузорлик Эргаш Хўжаев биринчи, қамашилик Ғанишер Мусурмонов иккинчи, китоблик Юлдуз Бердиева учинчи ўринга лойиқ топилди.

Якка рақс ижрочилиги бўйича шаҳрисабзлик Вазира Неъматова, шунингдек, жамоавий рақс ижрочилиги бўйича ҳам В. Неъматованинг жамоаси бош мукофот соҳибига айланди.

Бундан ташқари, иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари, шунингдек, турли номинация эгалари таълим ва фан ходимлари касаба уюшаси вилоят кенгаши таъсис этган фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

Ҳар гал коллежимизнинг ҳашаматли биноси пештоқидаги суратга назарим тушганда, юрагим ёқимли туйғулар билан тўлиб тошади. Унда Юртбошимиз Ислом Каримов стол тенниси бўйича жаҳон чемпиони, «Универсиада—2000» машъаласини ёқиш бахтига муяссар бўлган ҳамшаҳрим Севара Қодировани эришган ютуқлари билан табриклаётган лаҳза акс этган.

Беихтиёр суратга боқиб Севара каби чемпионларни тарбиялаб вояга етказаётган Чуст туман 6-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташкилотчиси, қирқ йилдан буён чемпионларнинг бир неча авлодини етиштирган жамоага раҳбарлик қилиб келаётган халқ таълими аълочиси, «Шуҳрат» медали соҳиби, олий тоифали мураббий, Тошпўлат Азимовнинг Ўзбекистонни дунёга танитиш йўлидаги хизматлари ёдимга тушади.

Садоқат

Тошпўлат ўрта мактабни тамомлаб, ҳарбий хизматда бўлди, сўнгра педагогика институтининг жисмоний тарбия факултетида ўқиди. Қаерда бўлмасин, спорт ва касаба уюшма фаолиятида қатнашиш жонажон иши бўлиб қолаверди. Институтни битириб, Чуст шаҳридаги 9-мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишларкан, тез орада моҳир спорт ташкилотчиси сифатида танилди. Айниқса, касаба уюшмаси қўмитасининг жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича масъул мутасаддиси этиб сайланганидан сўнг, ташкилотчилик истеъдоди ёрқин намоён бўлди. Тошпўлат мактаб маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитасининг совринлари учун спортнинг бир неча турлари бўйича очиқ мусобақаларни ташкил этар, уларда таълим муассасалари билан бирга, корхона ва ташкилотлар, қўшни туманлардан ҳам вакиллар қатнашадиган бўлди.

...Ўшанда 1970 йилнинг ёзи эди. Тошпўлатни туман халқ таълими бўлимига чақиртиришди. Кўпдан буён дилида чемпионлар етиштириб чиқариш орзусида юрган Тошпўлат учун бу айни муддао эди. Лекин ўзи ишлаётган мактабнинг ўртамиёна спорт базасида спорт мактабини ташкиллаштириш уни ўйлантириб қўйди.

Шу-шу Тошпўлат ишга қатъий киришди. Футбол, қўл тўпи, стол тенниси гуруҳларига дастлаб 48 нафар ўқувчи қабул қилиниб, ўқув йили ўртасидаёқ улар сони 224 нафарга етди. Келгуси йили мактаб стол тенниси гуруҳларига дастлаб 48 нафар ўқувчи қабул қилиниб, ўқув йили ўртасидаёқ улар сони 224 нафарга етди. Келгуси йили мактаб стол тенниси гуруҳларига ихтисослаштирилгач, жамоанинг мазкур спорт тури бўйича эришган натижалари юксалиб борди. Вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши мусобақаларида қатнашиб, кўп йиллар давомида ғолибликни қўлдан бермай келаётган Наманган шаҳри жамоасини доғда қолдирди.

Шундай шароитда Тошпўлат мактабда «Чуст ҳақиқати» туман газетаси соврини учун Республика очиқ турнирларини ўтказишни анъанага айлантирди. Муҳаммаджон Ҳомидов (ҳозир ушбу мактаб директори ўринбосари) эса 1983-1984 йилларда кетма-кет икки марта Ўзбекистон чемпиони бўлиб, республика терма жамоасига қабул қилинди.

Т.Азимов эндиликда қизлардан моҳир ракетка усталарини тайёрлаш ҳақида қайғура бошлади. Чустлик қизларнинг 7 ёшлигидан дўппи тикиб, ўз сепларини ўзлари тайёрлашлари одат тусига кирганлиги, собиқ тузумда пахта яккаҳокимлиги ҳукмрон бўлган бир шароитда ўқувчиларнинг баҳору кузда, ҳатто қишда ҳам ойлаб далада бўлишлари эътиборга олинса, бу осон иш эмаслигини дарҳол сезиш мумкин.

Дастлаб бир неча нафар қизалоқ гуруҳларга жалб этилган бўлса, аста-секин улар сафи кенгая борди. Айниқса, қишлоқ хўжалик ишлари авж олган паллаларда ёш спортчиларни мусобақаларга тайёрлаш учун дала ишларидан олиб қолишга эришиш бир азоб эди.

Мактаб тарбияланувчиси Назира Абдуллаева қизлар орасидан биринчи бўлиб стол тенниси бўйича республика чемпиони номини қўлга киритди. Кейин бундай ном Карима Инъомова, Гулбаҳор Абдуллаева, Дилфуза ва Раҳима Султонова (ҳозирги пайтда ҳаммалари мактабда спорт мураббийлари)га насиб этди.

Омадлига ой ҳам кулиб боқади, дейдилар. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, кўпчилик қатори Тошпўлат аканинг иши ҳам янада юришиб кетди. Туман ҳокимлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят ҳамда туман кенгашлари, ҳомийлар мадади билан спорт маскани моддий негизининг тубдан янгиланиши, мураббийларга янги имтиёзлар берилиб, қўшимча қулайликлар яратилганлиги, спорт даргоҳи ютуқларининг янада юксалишида муҳим омил бўлди. 60 нафарга яқин спорт устаси ва спорт усталигига номзод, мингдан зиёд разрядли спортчиларни тайёрлаганлиги, стол тенниси бўйича мамлакатда таянч намуна мактабига айлантирилганлиги инобатга олиниб, 1995 йилда Давлат спорт қўмитаси буйруғига асосан мазкур масканга «Олимпия захирасидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби» мақоми берилди.

Тошпўлат ака бошлиқ жамоа ишга янада жиддий киришди. Спорт даргоҳида эрта тонгдан қош қорайгунча ҳаёт қайнайдиган бўлди. Истеъдодлилар ичидан энг етукларини саралаш, улар билан махсус шуғулланиш йўлга қўйилди. «Энг, энг...» лар орасидан Мирзо Улуғбек номидаги 9-мактабдан қабул қилинган, дастлаб Гулбаҳор Абдуллаева, кейинчалик М.Ҳомидов, Ю.Мамадалиев, Ҳ.Ҳомидова, А.Қирғизбоев мураббийлигида маҳоратини оширган Севара Қодирова директорнинг доимий диққат марказида бўлди. Тошпўлат ака унинг чаққон ҳаракатлари, рақибини осонгина чалғитиш, машҳур спортчиларнинг маҳоратини тез ўзлаштириб олиш, устозлари топшириқларини ўз вақтида ва аниқ бажаришини ҳисобга олиб, мураббийларга ёш спортчи билан янада жиддий шуғулланишни топширди ва унинг жисмоний камолотини кузатишда давом этди.

Севара устозлар ишончини оқлади. 1996 йилда республика чемпионлигини қўлга киритиб, мамлакат терма жамоасига қабул қилинди. 1997 йилда саралаш ўйинларида ғолиб чиқиб, ХХРнинг Гоа шаҳрида ўтказилган Осиё биринчилигида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилди. 22 мамлакат вакиллари қатнашган қитъа мусобақасида вице-чемпион бўлди. 1998 йилда кунчиқар мамлакатда ўтказилган қитъа биринчилигида терма жамоамизнинг 48 та мамлакат ўртасида 2-ўринни олишида муносиб ҳисса қўшди. 1999 йилда Швециянинг Карлсборг шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигида олтин медални қўлга киритди.

Чустдан чиққан стол тенниси бўйича жаҳон чемпиони Севара Қодирова ўзбек спортини дунёга танитишдаги хизматлари учун Президентимиз фармонига мувофиқ, 2001 йилда «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Шунингдек, жаҳон чемпионига Юртбошимиз томонидан ўзимизда ишлаб чиқарилган «Тико» калити топширилди. Севаранинг ўзи бугунги кунда Намангандаги «Паҳлавон» спорт мажмуасида қирққа яқин болаларни шуғуллантирмоқда. Худди шундай илиқ гапларни Тошпўлат Азимовнинг бошқа ўнлаб, юзлаб шогирдлари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Севаранинг шонли ишини давом эттираётган истиқболли теннисчи, Франция, Италия, ХХР, Корея, Германия, Россия каби 14 та мамлакатда ўтказилган халқаро мусобақа, турнир ҳамда XIV Осиё ўйинлари ғолиби ва совриндори, бир неча карра Ўзбекистон чемпиони Мадина Аюбова, мамлакат ва халқаро мусобақалар ғолиблари Музайян Муҳаммаджонова, Шаҳзода Жумабоева, Саида Қодирова, Нозима Ғиёсова, Зокиржон Олимов, Тоҳиржон Салимов каби ўнлаб истиқболли ёшлар ҳам Тошпўлат аканинг ишончли қанотларидир.

«Баркамол авлод йили» спорт мактаби тарихига зарҳал ҳарфлар билан битиладиган бўлди. Мактаб учун шаҳарга туташ Ҳисорак қишлоғида жаҳон андозалари даражасидаги, лойиҳа қиймати 455 миллион сўмлик стол теннисига мосланган V ТИП замонавий спорт мажмуаси бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Ҳамманинг кайфияти чоғ. Услубчи Ҳ.Ҳомидованинг айтишича, бугунги кунда мактабда 20 нафарга яқин мураббий 49 та гуруҳда 706 нафар истиқболли спортчи билан машғулот олиб бормоқда. Улардан 5 нафари республика терма жамоаси аъзоси.

Тошпўлат акани ўз ишининг пири эканлиги, Ватанига, уни дунёга тез танита оладиган спортга муҳаббати, садоқатини далилловчи мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Абдусаттор АҲМАДАЛИЕВ,
Чуст саноат, транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси, касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси

Кузнинг сўнгги кунлари. Қиш эшик қоқаётгани боис ҳарорат аста-секин пасайиб бормоқда. Иш вақти тугаши билан ходимлар бирин-кетин уйларига жўнай бошлашди. Улардан сўнггиси бўлиб эшигини қуфлаган касабақўм раиси Бахтиёр Наврўзов уйига эмас, одатига кўра завод цехлари томон йўл олди. Завод ҳудудини электр чироқлари кундек ёритиб турибди. Турнақатор пахта ғарамлари устига бебаҳо бойлигимизнинг сифатли сақланиши, қор, ёмғир, чанг-тўзондан асраш мақсадида брезентлар ёпиб қўйилган. Биргина ғарам олдида махсус механизм тинимсиз ишлаб турибди. Бригада ишчилари хом ашёни сўрувчи мосламалар ёрдамида қайта ишлаш цехига узатишмоқда.

Янги режа, янги орзулар

Бахтиёр Наврўзов улар билан сўрашаркан, махсус кийим-бошларига разм солди: тоза, иссиқ. Кайфиятлари ҳам кўтаринки. Қисқача суҳбат давомида касабақўм уларнинг овқатланиши, дам олиш шароити, вақтида ойлик маош билан таъминланаётганини эшитиб хурсанд бўлди. Билдирилган айрим таклиф ва мулоҳазаларни ён дафтарчасига қайд қилиб қўйди. Кейин ҳар доимгидек, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги борасидаги айрим янгиликларни уқтириб, қайта ишлаш цехига йўл олди.

Жамоага ғамхўрлик кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, меҳнат шароитини яхшилаш, илғорларни рағбатлантириш, эҳтиёжмандларга мададкор бўлиш, фарзандларнинг вояга етиши учун имкон яратиш ҳар қандай корхона нуфузини ошириши шубҳасиз. Ромитандаги «Оқ олтин» очиқ акциядорлик жамиятида фикримиз исботини кўриш мумкин.

Йилига 45 минг тонна пахта хом ашёсини қайта ишлаш қувватига эга корхона нуфузи тобора ошиб бормоқда. Кейинги йилларда модернизация туфайли ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, пахта хом ашёсини асраш, тола, момиқ, техник ва уруғлик чигит етиштириш, буюртмачиларга етказиб бериш бўйича нафақат вилоятда, балки республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, замонавий техника ва технологияни жорий этиш, хом ашё етказиб берувчи фермер хўжаликлари билан тузилган шартнома шартларининг бажарилишини таъминлаш, ишчи-ходимлар манфаати, малакаси ва масъулиятини оширишга эътибор ўз самарасини бермоқда. Масалан, жорий йилда жамоа ўтган йилга нисбатан 8 минг тонна кўп, яъни 39.640 тонна пахта қабул қилиб олди. Сифат кўрсаткичлари кескин яхшиланиб, ҳосилнинг 99,8 фоизини биринчи нав ташкил этди. Ўтган йили корхонада олинган соф фойда 269 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, жорий йил якунида ушбу миқдор 1,5 ҳисса кўпайиши кўзда тутилмоқда.

Бошқача айтганда, корхонада даромаднинг ошиши меҳнат аҳлининг шарт-шароитини яхшилаш, моддий манфаатдорликнинг ошишини таъминламоқда. Техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси талабларининг бажарилиши шикастланиш ҳамда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Авваллари акциядорлик жамиятининг фақат ишлаб чиқариш бригадалари аъзолари бепул иссиқ овқат билан таъминланган бўлса, 2009 йилдан бошлаб, маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг қўшма қарори билан хом ашёни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш тизими ишчи-ходимлари бу имкониятдан баҳраманд бўлмоқда. Меҳнат муҳофазаси бўйича 2005 йилда ҳар бир ишчига ўртача 132 минг сўм ҳаражат қилинган бўлса, айни пайтда ушбу кўрсаткич 380-400 минг сўмга етган.

— Жамиятимиз бошқаруви ва касаба уюшма қўмитамизнинг 2009-2011 йиллар учун имзоланган жамоа шартномамизда ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлар ҳимоясига катта эътибор қаратилган ва ушбу талаблар изчиллик билан амалга оширилмоқда, — дейди Бахтиёр Наврўзов. — Ишчиларнинг самарали меҳнати, ташаббускорлиги, жамоа ривожига қўшаётган ҳиссаси, албатта, рағбатлантирилади. Эҳтиёжмандлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

Дарҳақиқат, корхона кеча-кундуз фаолият кўрсатса-да, ходимлар учун иш ҳафтасининг узунлиги 40 соатдан, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлганларга 36 соатдан ошмаган вақт белгиланган. Ходимларни иш вақтидан ташқари, кечки ва тунги пайтларда, дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб этиш фақат уларнинг розилиги билан амалга оширилади ва 0,5-2 баравар меҳнат ҳақи тўланади. Бироқ амалдаги қонун талабларига кўра, ходимларнинг шундай ишларда банд бўлган вақти 120 соатдан ошишига йўл қўйилмайди. Ходимнинг лавозимига қараб асосий таътилга 3 кундан 9 кунгача қўшимча таътил берилади.

Корхонада меҳнатни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Иш берувчи томонидан ходимлар учун меҳнат муҳофазаси, техник ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, санитария-гигиена талабларига жавоб берувчи меҳнат шароити яратилган. Ноқулай ишларда банд бўлганларга норма бўйича бепул иссиқ овқат, сут маҳсулотлари (ёки уларга тенглаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари), махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари бериб борилмоқда.

Асосан махсус агрегат ва механизмлардан фойдаланиладиган корхонада қўлланилаётган меҳнат муҳофазаси тадбирларининг доираси кенг. Бу ерда хавфсизлик техникаси хоналари, меҳнат муҳофазаси бурчаклари учун ўқитишнинг техник анжомлари, ўқув ва кўргазмали қуроллар, тарғиботташвиқот воситалари, плакатлар, фотостендлар мавжуд.

Бахтиёр Наврўзов ва унинг атрофига жипслашган касаба уюшма қўмитаси фаоллари корхона ходимларининг саломатлигини муҳофаза қилиш, спортни оммавийлаштириш, фарзандларига ғамхўрлик кўрсатишни ўзларининг инсоний бурчи деб билади. Айтиш жоизки, жамоа ишчи-мутахассислари аризаларига кўра, навбати билан имтиёзли йўлланмалар асосида республикамизнинг сўлим гўшалари — «Чинобод», «Ботаника», «Ситораи Моҳи Хоса», «Иссиқ сув», «Зомин», «Бўстон», «Мингчинор», «Оқтош» каби сиҳатгоҳларда дам олиб, саломатликларини тиклаб қайтмоқда. Республикамиз тарихий гўшаларига саёҳат ҳам уюштирилмоқда. Бундан ташқари, жамоа аъзолари ҳар йили касаба уюшма қўмитаси маблағи ҳисобига бепул тиббий кўрикдан ўтказилади. Корхона ҳузуридаги тиббиёт хонаси зарур асбоб-анжом, текин доридармонлар билан таъминланган.

Спорт — саломатлик гарови эканини жамоа яхши билади. Шу боис унинг оммалашувига эътибор катта. Касаба уюшма қўмитаси спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар ташкил этиб туради. Масалан, акциядорлик жамияти спортчилари «Бухоропахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси корхоналари ўртасида ўтказилган футбол мусобақасида фахрли 2-ўринни эгаллади. Завод қизларидан Гулмира Жўраева вилоят миқёсида ўтказилган енгил атлетика беллашувларида ғолибликка эришди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, соҳага қизиқиш ва эътибор йил сайин ошиб бораётганлигида.

Корхона ишчиларининг фарзандлари баркамол бўлиб вояга етиши учун амалга оширилаётган саъй-ҳаракат ҳам ибратга молик. Ҳар йили «Бухоропахтасаноат» ҲАБ тасарруфидаги «Пахтакор» болалар оромгоҳида мириқиб ҳордиқ чиқаришади. Жорий йилда эса уларнинг 68 нафари касаба уюшма қўмитасининг бепул йўлланмаси билан саломатлигини мустаҳкамлаб қайтишди.

Корхона ишчиларидан эҳтиёжманд Ш.Раҳматов, Р.Саъдуллаева, Ж.Жумаев, М.Раҳимова, О.Чориев, О.Тойиров моддий ёрдам сўраб, касаба уюшма қўмитасига мурожаат қилишди. Уларнинг оилавий шароити ўрганилгач, касабақўм раиси корхона раҳбари Анвар Бўронов билан келишган ҳолда аризачилар талаби қондирилди. Уларнинг айримларига қурилиш материаллари олиб берилган бўлса, баъзиларининг уйлари таъмирланди. Ўзаро ҳамкорликдаги юмушлардан кўнгиллар шод бўлди.

Ҳамиша одамлар орасида бўлиб, улар ташвишини енгиллаштириш, муаммоларини бартараф этиш, турмуш фаровонлиги, иш шароитини яхшилашга камарбаста бўлишни ўз олдига мақсад қилиб, уларни амалга оширишга интилаётган касабақўм раиси Бахтиёр Наврўзовга жамоанинг ҳурмати баланд. Бу бежиз эмас. Раисда катта ҳаётий тажриба бор. У олий ўқув юртини битиргач, тўқимачилик ва пахтани қайта ишлаш соҳасида турли лавозимларда ишлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси қошидаги «Олий бизнес мактаби»ни тамомлади. Касаба уюшма соҳасида эса бундан 15 йил илгари фаолиятини бошлаган эди. Бугун эса янги режа, янги орзуларни рўёбга чиқариш ташвишида.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«РОУТАХТ AUKSION» ДУК 2010 йил 30 декабр куни аукцион савдоларини ўтказади.

Савдоларга Тошкент шаҳри, .Ҳамза тумани, С.Азимова кўчаси, 65-уйда жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш ОАЖ тасарруфидаги 1995й.и\ч, д\р 10AW313, бошланғич нархи 8 946 170 сўм бўлган «Эсперо»; 1996й.и\ч, д\р 10AW 740, бошланғич нархи 5 092 265 сўм бўлган «Дамас»; 1996й.и\ч, д\р 10AG424, бошланғич нархи 7 293 908 сўм бўлган «Нексия»; Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Уста Ширин кўчаси, 136-уйда жойлашган Тошкент шаҳар Ҳокимлиги «Moddiy-Texnik Ta'minot Boshqarmasi» Давлат корхонаси тасарруфидаги 1990й.и\ч, д\р 10АХ509, бошланғич нархи 12 752 000 сўм бўлган «МАЗ 54331» русумли автотранспорт воситалари ҳамда 1988й.и\ч, д\р 10В625, бошланғич нархи 4 300 000 сўм бўлган «МАЗ-9397» русумли полуприцеп қўйилади.

Аукцион савдолари соат 11:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «РОУТАХТ AUKSION» ДУКнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайҳонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй.

Алоқа телефони: 233-23-49, телефакс: 233-23-40, электрон почта P-A_DUK@mail.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати Ишлар Бошқармаси автохўжалигининг д/р 01/334РРР бўлган — 2 560 000 сўмга, д\р 01/368РРР бўлган – 2 300 000 сўмга иккита «ГАЗ-31029»; д/р 01/296РРР бўлган «ГАЗ-310240» — 3 990 000 сўмга; д/р 01/347РРР бўлган «ГАЗ-3102» — 3 450 000 сўмга; «Huquq va Burch» ижтимоий ҳуқуқий журнали таҳририятининг д/р 10AR585 бўлган «ГАЗ-31029» — 2 860 000 сўмга; Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Республика махсус алоқа боғламаси давлат унитар корхонасининг д/р 10АК725 бўлган «ГАЗ-2411» — 1 190 000 сўмга; «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси И.В.Стрелцов номли болаларни соғломлаштириш оромгоҳи ва дам олиш уйининг д/р 10АN066 бўлган «ГАЗ-3102» — 2 600 000 сўмга сотилганлигини, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Бешоғайнилар кўчасида 50-уй ёнида якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, сатхи 0,03 гектар бўлган, ер участкаси аукцион савдоларидан олинганини маълум қилади.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Бошқарувининг 14.08.2010 йилдаги 14/6-сонли қарорига асосан ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Бекобод филиалига тегишли, Тошкент вилояти Бекобод тумани, Зафар қўрғони, Зафар шаҳарчаси, У.Носир кўчаси, 24-уй 8-хона манзилида жойлашган, мини банк биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 25 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 27 декабр куни соат 10:00да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт:

х/р: 20210000300571452114.

МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.

Омон бўлинг, МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch

2010-yil 27-noyabr № 140 (2865)

Ватан сиз билан фахрланади



(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда кейинги беш йилликда мингга яқин спорт иншооти қуриб фойдаланишга топширилди. Бунинг учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси дастури доирасида 15 миллиард сўм атрофида маблағ сарфланди...

Спорт ва унинг оммавийлигини оширишга касаба уюшма ташкилотларида ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, турли мусобақа ва турнирлар учун катта миқдорда сармоя ажратилаётир. Тошкент шаҳрининг ўзида касаба уюшма тасарруфида 5 та Олимпия захиралари мактаби мавжуд бўлиб, уларда 15 мингдан зиёд иқтидорли болалар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Терма жамоаларга чақирилган спортчиларнинг тенг ярми касаба уюшма мактаблари тарбияланувчилари эканлигини айтмайсизми! Бинобарин, халқаро миқёсдаги мусобақаларда қайд этилган натижалар касаба уюшмаларига ҳам баб-баравар тааллуқлидир...

Мана, йилнинг энг нуфузли спорт анжуманлари қаторида тилга олинган яна бир мусобақа поёнига етай деб қолди. Роппа-роса икки ҳафта мобайнида Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрига қаратилган нигоҳларга дам бериб, ҳисоб-китоб қилиб оладиган палла ҳам етиб келди. Эришилган ютуқлар бизни қониқтирадими, йўқми, имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланилдими ёки қаердадир хатога йўл қўйилдими — шу ва шунга ўхшаш масалалар ечимини мутахассисларга ҳавола этиб, оддий бир мухлис сифатида айтишимиз лозим бўлган фикр шуки, Ўзбекистон спорт оламида ҳам ўз ўрнини топиб бормоқда. Ҳар қанча қийин бўлмасин, рақобат тобора кучайиб бораётгани ва ҳар бир медал, очко, ўрин учун кураш муросасиз тус олаётганига қарамай, рақиблар биз билан ҳисоблашишга ва ҳатто бироз чўчишга мажбур бўлмоқдалар. Шунинг ўзиёқ шоҳсупа томон ташланган жуда муҳим қадам десак, асло муболаға эмас.

Ҳаммасидан ҳам спортчиларимизда ўзига ишонч ва шижоат йил сайин томир отиб, муқим бир кўриниш ҳосил қилаётгани кўнгилга таскин бераётганини эътироф этмоқ жоиз. Кимларгадир эриш туюлиши мумкин, шахсан мен футболчиларимизда кўзга ташланган ўт тафтини юрагимда туйдим. Нимчорак финалда Қатар, чорак финалда Жанубий Корея билан кечган ўйинни бир ёдга олинг-а. Айниқса, кейинги учрашувда, гарчанд 1:3 ҳисоби қайд этилган эса-да, ёшларимиз ҳақиқий матонатни бутун бўй-басти билан намойиш этишди. Салкам бутун ўйин ва қўшиб берилган ўттиз дақиқа мобайнида бир футболчи кам бўлиб ҳаракатланишнинг ўзи бўладими ахир!

Шундай ўтни ҳали-ҳамон таассуротлари билан яшаётганимиз — Тошкентда бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги қитъа чемпионатида Алексей Евстафеев шогирдларида кўрган эдик. Бинобарин, яна ҳеч қанча вақт ўтмай, 1994 йилда Осиё ўйинлари зарварақларига битиб қўйилган натижа у ёки бу йирик халқаро мусобақаларда такрорлангудек бўлса, бунга ҳеч ажабланмаслик керак. Муҳими, бунинг учун кўрқут бор, замин бор, мустаҳкам асос бор.

Ўзимиз гувоҳи бўлдик, қитъамизнинг 45 давлатидан ўн мингдан зиёд спортчи иштирок этган, спортнинг 42 тури бўйича 476 та медаллар шодаси учун кураш олиб борилган йилнинг энг нуфузли мусобақасида 224 нафар ҳамюртимиз 29 тур бўйича ўзларининг нималарга қодирликларини намойиш этишга астойдил ҳаракат қилди.

Эҳтиролардан тийилиб, холисона баҳо берган тақдиримизда ҳам, эътироф этишимиз лозимки, биз ҳар қачонгидан кўра кўпроқ медал соҳибига айланишга ҳақли эдик. Чунки спорт делегациямиз сафида кимсан «Жаҳоннинг энг яхши каноэчиси», икки карра жаҳон чемпиони Вадим Менков, дзюдо бўйича Пекин олимпиадаси бронза медали совриндори, жаҳон чемпиони Ришод Собиров каби порлоқ юлдузларимиз бор эди.

Кези келганда, алоҳида таъкидлашга арзигулик муҳим бир жиҳат — иқтидорли спортчиларни кашф этишда кенг имкониятлар эшигини очиб берган, фақат бизнинг Ўзбекистонимиз учун хос бўлган уч босқичли тизим — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақалари охир-оқибат ўз сўзини айтмай иложи ҳам йўқ эди.

Шундай бўлди ҳам. Спортчиларимиз XVI Осиё ўйинларининг илк куниданоқ Хитойга шунчаки ташриф буюрмаганликларини исботлашга киришишди. 10 метр масофадан пневматик милтиқдан ўқ отиш баҳсларида Яна Фатхи, Елена Кузнецова, Сакина Мамедова жамоавий мусобақада дастлабки бронза медалини қўлга киритиб, совринлар сандиғини тўлдиришни бошлаб бердилар.

Бу ташаббусни дзюдочиларимиз Рамзиддин Саидов (100 кг.) ҳамда Абдулла Тангриев (+100 кг.) муносиб қўллаб-қувватладилар. Рамзиддин бронза, Абдулла кумуш медали соҳибига айланиб, ватандошларимизга кучғайрат бахш этдилар.

Иккинчи куни яна икки дзюдочимиз — Шокир Мўминов (81 кг.) ва Дилшод Чориев (90 кг.) финалгача етиб бориб, қўшалоқ кумуш медалини хазинага қўшиб қўйишди.

Ўзига хос мактабга эга бўлган спорт гимнастикамиз вакиллари барчани қойил қолдиришди, десак ҳеч муболаға эмас. Жаҳон грандлари ҳисобланмиш Хитой ва Япония жамоаларидан кейин учинчи ўринни ўзиники қилиб олиш, албатта, ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Луиза Галиулина, Юлия Горева, Асал Сапарбоева, Диана Каримжонова, Ирина Володченко, Даря Елезарова... Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхташ мумкин.

Биз юқорида уч босқичли тизим ўз мевасини бера бошлагани ҳақида сўз юритдик. Буни Ришод Собиров жуда ишонарли қилиб исботлади. У бундан уч йил муқаддам талабалар ўртасида ўтказилган «Универсиада»да тилга тушганди. Қулай шароит, моҳир боғбон ва сара нав уйғунлиги ҳеч қачон панд бермаслигига мана ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ришод Гуанчжоуда ҳам 60 кг. вазнда қитъада тенгсиз эканлигини исботлади.

Велотрек Ўзбекистонда у қадар оммалашган спорт тури ҳисобланмайди. Лекин қитъа чемпиони Владимир Тўйчиев ишончли иштироки билан бу фикрни ўзига хос тарзда рад этгандек бўлди. Йигирма етти ёшли маҳоратли велоспортчи 30 километр масофани барча рақибларидан илдамроқ босиб ўтиб, финиш чизиғига биринчи бўлиб етиб келишнинг уддасидан чиқди.

Табиийки, ҳеч бир медал осонликча қўлга киритилмайди. Сув слаломи жуфтлик баҳсларида каноэчиларимиз Алексей Наумкин ва Алексей Зубарев қўлга киритган бронза, оғир атлетикачимиз Мансурбек Чашемовга тақдим этилган кумуш, худди шундай эътибор топган гимнастикачимиз Антон Фокин кабилар сиймосида намоён этилган мардлик-матонат ҳақида ҳали кўп сўз юритамиз, албатта. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки улар жисмонан соғлом ва ақлан етук баркамол авлод тарбиясига бевосита таъсир ўтказиш имкониятига эгадирлар. Ибрат намунаси эса эзгуликка чорлаши билан қадрлидир.

Биз буни шахмат бўйича 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов шахсида аллақачон кўриб улгурганмиз. Юртимизда шахмат энг оммалашган спорт турларидан бири эканлиги ҳам бежиз эмас. Рустам Хитойда яна ўзини кўрсатди. Олти ўйинда ғалаба қозониб, уч учрашувда дурангга имзо чекиб, 7,5 очко тўплаган ҳолда XVI Осиё ўйинлари чемпиони деган унвонга сазовор бўлди.

Касаба уюшма спортчилари ҳақида алоҳида тўхталиш ниятимиз бор. Лекин Гўзал Хуббиева бундан мустасно. Чунки у газетамизда чиқишлари билан анчайин қадрдон бўлиб қолган. Эсимизда, бундан тўрт йил муқаддам Дохага сафар олдидан Гўзал Хуббиева «Ishonch» газетасига интервю бериб, Ўзбекистон байроғининг сарбаланд бўлиши учун бор куч ва маҳоратини сарфлашини айтган ва ватанга ёруғ юз билан қайтган эди.

Спортда ёш ҳам катта аҳамият касб этади. Орадан тўрт йил ўтган бўлса-да, Гўзал Гуанчжоуда қанчалар иродали спортчи эканлигини кўрсатди. 100 метр масофага югуришда кумуш, 200 метрга югуришда бронза медални қўлга киритиб, Хитой осмонида байроғимиз икки бор ҳилпирашини таъминлади ва албатта, ҳамон нуфузли мусобақалар фаворити эканлигини намойиш этди.

Лангарчўпда баландликка сакраш бўйича моҳир атлет, кумуш медал соҳиби Леонид Андреев, «олтин бола» номини олган теннисчимиз Денис Истомин, юнон-рум кураши бўйича бронза медали эгаси Давид Солдадзе, шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олган трамполинчимиз Екатерина Хилко... Бу номларни яна ва яна давом эттириш мумкин.

Эътибор берган бўлсангиз, ҳар соҳадан бир шингил қабилида иш кўриб, кўпроқ спорт турларини қамраб олиш йўлини танладик. Бу бежиз эмас. Демоқчимизки, Хитойда бўлиб ўтган йирик мусобақада қатнашиш учун саралаб олинган ҳар бир спортчи ўз турида бемалол рақобатлаша оладиган даражада тайёргарликка эга эди ва улар буни ҳар жиҳатдан исботлаш учун астойдил ҳаракат қилишди.

Анъанавий равишда бизга медал келтиришига ўрганиб қолганимиз бокс ва кураш турлари, шунингдек, том маънода касаба уюшма спортига айланиб бораётган байдарка ва каноэда эшкак эшиш турларидагина эмас, бошқа жабҳаларда ҳам илгари томон сезиларли силжиш бўлганлигини кўриш, айниқса, қувончлидир.

Демакки, тўғри йўлдан кетяпмиз. Демакки, бундан буён ҳам кўплаб медалларга умид қилиш учун асосларимиз етарли. Шунга кўра, Гуанчжоуда ташкил этилган Осиё ўйинлари 2012 йилда Лондонда бўладиган Олимпиада олдидан ўзига хос синов вазифасини биз кутган даражада ўтади, дейишга ҳақлимиз. Бу жуда муҳим. Чунки Юртбошимиз кўп бора таъкидлаганларидек, ҳеч бир нарса юртимизни спортчалик дунёга тез танита олмайди.

Бахтимиз бор эканки, шундай истеъдодлар билан фахрланиш имконидан баҳраманд бўлиб турибмиз.

Зайниддин РИХСИЕВ

Анвар ИЛЁСОВ (Жаҳон АА) олган суратлар

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),
Ma`mura ADILOVA,
Normamat AllAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon – + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99891 679 32 79;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail:
mail@ishonch.uz

Nashr ko`rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Qodirova

Navbatchi:
A. Abdullayev

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -21.10

Буюртма Г — 1051

11004 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 4 5